



Мутолаа қилинг / Карантин қоидаларига риоя этинг!

Кун хабарлари



КУН НАФАСИ



Ishonch

2020 йил 11 август • сешанба • № 77 (4362)

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Яхшилик ҳаммага бевосита сеvimли. Агар шундай бўлмаганда эди, ҳар ким ўз истаган ёки орзу қилган ва ёки ўзича яхшилик деб тасаввур қилган бир нарсна ўз олдига мақсад қилиб қўймаган бўларди.

Абу Али ибн Сино

«Суд-тергов фаолиятида шахнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент фармони қабул қилинди.



«2025 йилда Ўзбекистонда ёшлар ўртасидаги IV ёзги Осие ўйинларини ўтказишга тайёрларлик кўриш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ҳукумат қарори қабул қилинди.



Ташки ишлар вазири Абдулазиз Комилов 11 август куни видеоконференция шаклида ўтказилган «Марказий Осие + Япония» мулоқоти ташки сибат идоралари раҳбарларининг навбатдан ташқари мажлисида иштирок этиди.



Мамлакатимиз ва Афғонистон Ислам Республикаси ҳукумат делегациялари ўртасида видеоконференция шаклида музокаралар ўтказилди.



Бош вазир ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо вазири Сардор Умурзоқов Европа тиланиш ва тараққиёт банки вице-президенти Алан Пиллоу билан видеоконференция шаклида музокара ўтказди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ЖССТ) Европа минтақавий бюроси Бирдамлик ва «COVID-19»га жавоб бериш глобал жамғармаси орқали ташкилот бош қароргоҳи томонидан харид қилинган инсонпарварлик юкининг навбатдаги партияси Ўзбекистонга етиб келди.

Холмўмин Ёдгоров Судьялар олий кенгашининг раиси этиб тайинланди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира Хосият Рустамованин «Рангин кўзешлар» деб номланган шеърый тўплами Англияда инглиз ва ўзбек тилларида чоп этилди.



Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи директори, филология фанлари доктори, профессор Жаббор Эшонқулов Туркиянинг Отатурк номидаги Маданият, тил ва тарих жамияти аъзолигига қабул қилинди.

ЎЗА хабарлари асосида тайёрланди

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ БЕЛАРУСЬ ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 10 август куни Беларус Республикаси Президенти Александр Лукашенко билан телефон орқали мулоқот қилди.

Суҳбат аввалида давлатимиз раҳбари Александр Лукашкони бўлиб ўтган Президент сайловидagi ишончли ғалабаси билан табриклади, унга Беларуснинг барқарор тараққиёти ва раванқини таъминлаш йўлида янги зафарлар тилади.

Икки томонлама муносабатлар кун тартибидagi ҳамда минтақавий ташкилотлар доирасидаги анъанавий яқин ҳамкорликка доир долзарб масалалар кўриб чиқилди.

Кейинги йилларда Ўзбекистон билан Беларус ўртасидаги кўп қиррали алоқалар, аввало савдо-иқтисодий соҳадаги амалий ҳамкорлик жадал ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди.

Олий даражадаги келишувларни ўз вақтида амалга ошириш, икки мамлакат етакчи корхоналарининг кооперацияси бўйича истиқболли лойиҳаларни илгари суриш ва маданий-гуманитар алмашинув дастурларини кенгайтириш мақсадида ўзаро мулоқотни, жумладан, Ҳукуматлараро қўшма комиссия доирасида фаоллаштиришга келишиб олинди.

ЎЗА

АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ САҚЛАШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 10 август куни мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва хавфсизлигини ошириш, экологик осойишталикни таъминлаш, чиқиндиларни қайта ишлаш тизимини такомиллаштириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Видеоконференцадо шаклида ўтган тадбир бошида давлатимиз раҳбари коронавирус пандемияси билан боғлиқ вазиятга тўхталиб ўтди. Хусусан, барча ҳудудларда даволаш ўринлари ва тиббий ускуналар сони бир неча баробар кўпайтирилгани, тез тиббий ёрдам ва даволаш сифати яхшиланиши натижасида охириги бир ҳафтада мамлакатимиз бўйича коронавирусдан соғайиш кўрсаткичи ошгани қайд этилди. Фуқаролар ҳаёти ва соғлиғи химиясини янада кучайтирган ҳолда, пандемия шароитида яшаш ва ишлашда давом этиш, карантин талабларини босқичма-босқич юмшатиш муҳимлиги таъкидланди.

Мамлакатимизда экологик хавфсизликни таъминлашга муҳим сивсий масала сифатида қаралмоқда. Орол денгизининг қуриган тубида ўрмонзорлар барпо этилиб, Оролбўйидаги шаҳар ва туманларни ривожлантиришга қаратилган дастурлар жадал амалга оширилмоқда. Атроф-муҳитни ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида чиқиндиларни йиғиш ва қайта ишлаш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда. Айнқиса, ҳозирги пандемия шароитида бу масалалар янада долзарб аҳамият касб этиди.

– Чиқинди тизимини тартибга солиш – ҳаётимиз, соғлиғимиз учун энг муҳим вазифалардан бири. Бу инсон саломатлиги ва хавфсизлиги, миллат келажаги билан боғлиқ долзарб масала, – деди Президент Шавкат Мирзиёев.

Сўнгги уч йилда чиқиндиларни бошқариш соҳасига бюджет ажратилган 390 миллиард сўм ҳисобига 742 та махсус техника сотиб олинган, 204 та полигон модернизация қилинган.

Танқидий руҳда ўтган йиғилишда соҳада муаммолар ҳали кўплиги кўрсатиб ўтилди. Мисол учун, Избоскан, Ғузор, Чуст, Бувайда, Ургант ва Шаҳрихон туманларида тозалаш хизмати қамрови республика кўрсаткичидан 2 баравар паст. Тошкент вилоятида бюджет ҳисобидан олинган 32 та, Қашқадарёда 23 та махсус техника талон-торож қилинган. «Тоза ҳудуд» корхоналарининг дебитор қарздорлиги юқори.

Жорий йил март ойида ўтказилган йиғилишда соҳадаги ишлар танқид қилиниб, тегишли топшириқлар берилган эди. Йиғилишда уларнинг ижроси кўриб чиқилди, қўшимча вазифалар белгиланди.

Ҳозирда санитар тозалаш хизматлари

билан аҳолини қамраб олиш даражаси 66 фоизни ташкил этади. Йиғилишда йил якунигача бу кўрсаткични 90 фоизга етказиш, соҳага хусусий корхоналарни кенг жалб этиш зарурлиги таъкидланди.

Чиқиндиларни қайта ишлашни тартибга солиш бўйича 14 та ҳудуддаги туманлар кесимида алоҳида қарорлар қабул қилиниши ҳамда уларнинг ижроси юзасидан назорат тизими йўлга қўйилиши белгиланди.

Нодавлат сектор чиқиндиларни йиғиш ва қайта ишлашда яхши самара бермоқда. Қаерда шундай корхоналар ишлаётган бўлса, хизмат сифати ҳам юқори, аҳоли ҳам рози. Мисол учун, «Био Техно Эко» компанияси 6 миллион доллардан зиёд кредит ҳисобига 78 та махсус техника ва ускуналар харид қилиб, Термиз шаҳри, Термиз ва Ангор туманларидаги 285 минг аҳолига тозалаш хизмати кўрсатмоқда.

Жойларда шундай лойиҳа қиламан, деган тадбиркорлар кўп. Шундан келиб чиқиб, мутасаддиларга Қорақалпоғистон ва вилоятларда давлат-хусусий шериклик асосида жами 31 та кластер ташкил этиш юзасидан кўрсатма берилди.

Ушбу лойиҳалар ҳисобига маиший чиқиндиларни қайта ишлаш даражасини йил якунигача 25 фоизгача, 2021 йилда камида 35 фоизга етказиш зарурлиги белгиланди.

Санитар-экологик талабга жавоб бермайдиган 51 та чиқинди полигонини мақбуллаштириш, бундан ташқари, қурилиш чиқиндилари учун 26 та полигон ҳамда уларни қайта ишловчи клас-

терлар ташкил этиш муҳимлиги қайд этилди.

Йиғилишда халқаро молия ташкилотларидан жалб этилган маблағлар натижадорлиги ҳам муҳокама қилинди.

Мутасаддиларга бу маблағлар эвазига бошланган лойиҳаларни жадаллаштириб, қисқа муддатларда фойдаланишга топшириш юзасидан қўрсатмалар берилди. Давлатимиз раҳбари соҳани камхарж ва тежамкор техникалар билан таъминлаш муҳимлигини таъкидлади.

Муҳокамада экологик назоратни кучайтириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Айрим заводлар ҳавога меъёрдан ортиқча ташланма чиқариб, атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатмоқда. Бундай ҳолатлар фуқароларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлмоқда.

Шу боис Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига ҳаво ифлосланишини тезкор таҳлил қилади-ган мобил лабораториялар билан ҳар бир ҳудудни таъминлаш топшириғи берилди. Бош вазир ўринбосарига атроф-муҳитга юқори ва ўрта хавфли 240 та йирик санаот корхонасида замонавий локал тозалаш иншоотларини ўрнатиш ва мавжудларини модернизация қилиш бўйича дастур ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Йиғилишда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раҳбарияти ҳамда вилоят ҳокимларининг ҳисоботи эшитилди.

ЎЗА

Энг катта ислоҳотим – ҳар бир оиланинг нури бўлган оналарни, хотин-қизларни рози қилиш.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Ижтимоий ҳимоя

АЁЛ БАХТИ ЖАМИЯТНИНГ БАХТИДИР



Қудратилла РАФИҚОВ, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси раиси, Хотин-қизлар муаммоларини ўраниш ва уларни ҳал этиш бўйича республика ишчи гуруҳи раҳбари

ҳақидаги тасаввурлари она тарбияси билан шаклланади!

Мафқуравий урушлар, маънавиятга таҳдидлар кучайиб бораётган бугунги кунда жамиятни асрашни оилалардан бошлаш кераклиги ойдинлашиб бормоқда. Шу жиҳатдан, оналаримиз ва аёлларимизни Ватан, миллат ҳимоячилари, десак адашмаган бўламиз. Ҳаётдан рози, келажакка умид кўзи билан қараётган аёлларгина Ватанига садоқатли, меҳнатқаш, фидойи фарзандларни тарбиялай олади.

Ҳеч кимга сир эмас, оиладаги муаммолар юқи, асосан, уй бекасининг нозик елкасига тушади. Эр ишсиз, оилада етишмовчилик бўлса, биринчи навбатда, аёл қийналади. Ота ишда бўлса ҳам болалар тарбияси билан она шуғулланади. Боласини боғчага жойлаштира олмаса, мактабдаги таълим-тарбия сифатсиз бўлса, онанинг ташвишига яна бир ташвиш қўшилади. Сув, газ, электр таъминоти яхши бўлмаса, яна қийналадиган – аёл!

31

Қашқадарё вилояти

Сарҳисоб

Шу йилнинг 19 август санасида Деҳқонобод калий заводида биринчи маҳсулот ишлаб чиқарилганига 10 йил тўлади. Ортда қолган вақт давомида корхонада нималар ўзгарди? Заводда иш унумининг асосий талаби бўлган омиллар – ходимларга қўлай шарт-шароит яратиш, оғир меҳнатга яраша муносиб рағбат, муҳтасар айтганда, ижтимоий ҳимояга эътибор қандай?

Рағбат ва юксалиш уйғунлиги

Корхонамизда касба уюшма ташкилоти 2007 йилда тузилган бўлса-да, то 2011 йилгача кўмита аъзолари жамоатчилик асосида иш юритган. Ходимлар сони 1500 нафардан ошгач, касба уюшма қўмитаси ходимлари учун ҳам иш ҳақи олиб ишлайдиган лавозимлар жорий этилди.

Ҳозирда ходимларимиз сони 2000 нафарга яқинлашди. Уларнинг 250 нафари хотин-қиз, 530 нафари эса ёш мутахассис саналади.

Энди бироз тарихга назар ташласак. Дунё бозорига калий ўғити нархининг тушиб кетиши 2013-2016 йилларда ишлаб чиқарилган маҳсулотни экспорт қилишда бир қатор муаммоларни келти-

риб чиқарди. Корхонанинг молиявий аҳволи оғирлашди. Маҳсулот ишлаб чиқариш, ходимларнинг иш ҳақларини тўлаб беришда қийинчиликлар юзага келди.

2014 йилда завод бошқаруви маҳаллий кадрлар қўлига ўтди. Давлатимизнинг қўллаб-қувватлаши, корхона маъмурияти ва касба уюшма қўмитаси ўртасидаги ижтимоий шерикликнинг тўғри йўлга қўйилиши, қолаверса, завод жамоасининг фидокорона меҳнати эвазига маҳсулот таннархини туширишга эришилди. Аста-секин завод салоҳияти кўтарилиб, Марказий Осиеда калий ўғити ишлаб чиқарувчи йирик корхонага айланди.

21



Ҳисобот-сайлов конференциялари

Жиззах вилояти

Туб бурилиш палласи



Карантин талаб ва меъёрларига риоя этилган ҳолда Жиззах вилояти касаб уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши тизимдаги ташкилотларда ҳам ҳисобот-сайлов йиғилишлари бўлиб ўтмоқда. Яқинда Таълим, фан ва маданият ходимлари касаб уюшмаси Жиззах шаҳар кенгашининг ҳисобот-сайлов конференцияси «Zoom» дастури орқали ўтказилди. Унда туман кенгаши раиси ҳамда тафтиш комиссиясининг ҳисоботлари тингланди.

Йиғилиш кун тартибидagi масалалар ва қарор лойиҳалари электрон тарзда делегатларга етказилди. Касаба уюшма кенгаши ташаббуси ва бошланғич касаб уюшма кўмиталарининг қўллаб-қувватлаши боис тизимдаги ташкилотларда ишлаб келаётган ногирон, чин етим ва эҳтиёжмандларга тизимли ижтимоий мадад кўрсатиб келинаётир. Эътиборли жиҳати, жамоат ташкилоти ваколати доирасидаги барча масалаларни назардан четда қолдирмасликка ҳаракат қилинган. Натижада бошланғич касаб уюшма кўмиталари томонидан йўлланган мурожаатлар ўз ечимини топган.

Ўтган беш йил давомида Жиззах шаҳар касаб уюшма кенгаши номига 2021 та ёзма ва оғзаки мурожаатлар келиб тушган. Шулардан 316 таси меҳнатга оид муносабатлар, ноқонуний ишдан бўшатиш, иш соатларини қисқартириш, таътилдан қайтган ходимларни иш билан таъминламаслик ва бошқалардан иборат.

Ҳисобот йили даврида келиб тушган шикоят-аризалар ўз вақтида ўрганилиб, қонун доирасида ҳал этилган. Жумладан, 2016 йил Жиззах шаҳридаги 21-мактаб ўқитувчиси Мунира Абдалова декрет таътилидан сўнг меҳнат фаолиятини бошлаш тўғрисида ариза билан мурожаат қилган, лекин иш берувчи дарс соатлари беришни пайсалга солган. Шикоят хати ўрганиб чиқилгандан сўнг М.Абдаловага 8 соат физика ва 9,5 соат информатика фанларидан дарс берилган. 2018 йил 21-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Гулбаҳор Тўраеванинг ноқонуний ишдан бўшатилиши ҳамда касалик варақаси учун ҳақ тўланмаётгани тўғрисида мурожаати ўрганилиб, унинг касалик даври учун ҳақ тўлаб берилди ва ишга тикланди.

Бу каби ҳолатлар ҳисобот йиғилишида сўзга

чиққан Жиззах шаҳар 22-ИДУМ бошланғич касаб уюшма ташкилоти раиси Феруза Пардаева, вилоят кўзи ожизлар кутубхонаси бошланғич касаб уюшма ташкилоти раиси Муҳайё Тошева, ЖДПИ академик лицейи бошланғич касаб уюшма ташкилоти раиси Умар Раззоқов кенгашининг ўтган даврдаги фаолияти юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдириб, бир қанча тақлифларни ўртага ташлади. Кўпчиликл овоз билан Рустам Исоқов яна кенгаш раислигига сайланди.

Ҳозирги кундаги карантин шароитида Таълим, фан ва маданият ходимлари касаб уюшмаси Жиззах шаҳар кенгаши ўз олдида қўйган вазифалари хусусида кенгаш раиси Рустам Исоқов шундай дейди:

— Анъанавий тарзда ташкил этиладиган «Меҳнат хавфсизлиги» бўйича семинарларни он-лайн вебинлар тарзида ўтказиш борасида режалар тузиб олинди. Кенгаш фаолияти шаффофлигини таъминлаш мақсадида амалга оширилган ишлар бўйича ҳисобот ҳар бир бошланғич касаб уюшма кўмитасига электрон шаклда юборилади. Саъй-ҳаракатларимиз ходимлар манфаатини таъминлашга қаратилган. Бу йўлда олдинда турган вазифаларни সিққидилдан бажариш ва ходимларга энг ахши меҳнат муҳитини яратиш — асосий бурчимиздир!

Кун тартибидagi барча масалалар кенг муҳокама этилди. Кенгашдаги бир гуруҳ фаоллар орасидан вилоят касаб уюшмалари ташкилотлари бирлашмасининг навбатдаги ҳисобот-сайлов конференциясига номзодлар сайлаб олинди.

Муқимбой ИСМОИЛОВ, «ISHONCH»



Самарқанд вилояти

Фаолиятга таҳлилий назар

Агросаноат мажмуи ходимлари касаб уюшмаси Самарқанд вилояти ташкилоти раислар кенгашининг конференцияси бўлиб ўтди. Он-лайн шаклда бўлиб ўтган анжуманда тармоқ касаб уюшмалари республика кенгашининг вилоятдаги масъул ташкилотчиси Нормурот Ражабовнинг ўтган беш йиллик фаолияти таҳлилий доир тингланди.

Унда қайд этилганидек, тизимда ишловчиларга муносиб меҳнат ва турмуш шароити яратиш, улар моддий манфаатдорлигини ошириш доимий эътиборда. Ўтган давр мобайнида 1764 та ташкилотда меҳнат қилаётган 10376 нафар ишчи-ҳодим касаб уюшмалари сафига аъзо қилиниб, улар манфаати ҳимояга олинган. Амалдаги жамоа шартномалари орқали ходимларга тўланаётган иш ҳақи ва моддий рағбатлантиришга йўналтирилган маблағлар миқдори муттасил ошириб келинмоқда.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалигида меҳнат қилаётган 201141 нафар фуқаро касаб уюшмалари аъзоллигига олинган. Аммо соҳада ишлаётган барча кишилар жамоат ташкилоти томонидан яратиб берилган имкониятлардан фойдаланмоқда дейишга ҳали эрта. Фермер хўжаликларда ишловчиларни аъзолликка жалб этиш борасидаги ишлар неча йиллардирки охирига етказилмаётир. Туман ва шаҳарларда ташкил этилган трансмилий қўшма корхоналар ҳали-ҳануз касаб уюшмалари хизматига олинмаган.

Аъзолар сафини кенгайтиришга лоқайд муносабатда бўлаётган қўй ташкилотлар бор. Чунончи, ўтган фурут Иштихон тумани кенгаши 155 та, Ургут тумани кенгаши 321 та бошланғич таш-

килот тузиб, қарийб 2500 нафарга яқин аъзога эга бўлган бир паллада Булунгур, Тойлоқ, Қўшработ туманларида 2019-2020 йиллар давомида бирор ташкилот тузилмаган.

Кластер тизими тармоқ кедажани белгилашни ёрқин намоян этмоқда. Хусусан, Самарқандда ҳам ана шу услубда фаолиятини ташкил этган хўжаликлар кўпайди. Бу жамоаларда кўп-лаб одамлар кафолатланган иш ва маош олиб ишлашмоқда. Аммо янги тузилма билан тизим касаб уюшмалари ўртасида алоқа қўнгилдагидек эмас. Нарпай, Пайарик, Оқдарё тумани тармоқ кенгашлари кластер тизими корхоналари билан манфаатли келишувга эришолмаган.

— Ютқлар баробарида ҳал қилиниши лозим бўлган ишлар жуда кўп, — дейди масъул ташкилотчи Нормурот Ражабов. — Бошланғич ва кенгашларда бўлиб ўтган ҳисобот сайлов йиғилишларида ҳар бир касаб уюшма раҳбарининг фаолиятига муносиб баҳо берилади. Уларда талабчан, қатъиятли етакчиларни саралаб олишга интилдик. Янги таркиб ўтган даврдаги фаолиятдан тегишлича ҳулоса чиқариши шубҳасиз.

Конференцияда тармоқ касаб уюшмаси республика кенгаши курултойига делегатлар сайланди.

Нурилла ШАМСИЕВ, «ISHONCH»



Қашқадарё вилояти

Янги таркиб сайланди

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаб уюшмаси Чирочқи тумани кенгашининг конференцияси «Zoom» дастури асосида масофавий тарзда ташкил этилди.

Унда кенгаш раиси Абдураим Ҳайдавлов ортада қолган беш йилликда амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисобот берди.

Ушбу тадбирдан олдин бошланғич ташкилотларда ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва конференциялари бўлиб ўтди. Ўтказилган 217 та бошланғич ташкилотнинг 96 тасида касаб уюшмаси кўмитаси раислари янгидан сайланди. Уларнинг 91 нафари хотин-қиз, 10 нафари 30 ёшгача бўлган ёшлар экани эътиборга молик.

Ҳисобот даврида жамоа шартномалари орқали кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож, боқувчисини йўқотган оила вакилларининг 2464 нафарига касаб уюшмаси маблағлари ҳисобидан 372 миллион 648 минг 900 сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

14 нафар ҳодим туман кенгашининг аралашуви туфайли ўз иш вазифасига тикланди, 7 нафар ҳодимнинг асосий иш ҳақларидан ушлаб қолиниши олди олинди, 18 нафар ҳодимнинг дарс соатларини қисқартирилишига йўл қўйилмади. Бундан ташқари, моддий ёрдам ҳамда санаторий йўлланмалари сўраб мурожаат этган кўп-лаб ходимларнинг аризалари қаноатлантирилди.

Меҳнат муҳофазаси бўйича ҳисобот даврида 98 та ташкилот ва муассаса фаолияти ўрганилиб, 12 дан ортқ ҳолатда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича қонун, қоида ва меъёрларнинг бузилган ҳолати аниқланди. Ушбу камчиликларнинг аксарияти туман кенгашининг аралашуви билан жойида бартараф қилинди.

Касаба уюшмаси аъзоларининг фарзандларини ёзги соғломлаштириш мавсумида оромгоҳларда дам олдириш режаси ҳар йили ортиги билан бажарилди. Хусусан, ҳисобот даврида Яққабоб туманидаги «Истиқлол фанчалари», «Мирзо Улуғбек» ва Шаҳрисабз туманидаги «Зиё чашмалари» оромгоҳларида 1 минг 360 нафар касаб уюшмаси аъзоларининг фарзанди дам олдирилди.

Музокара жараёнларидан сўнг делегатлар туман кенгашининг 2015 йилдан 2020 йил август ойигача бўлган фаолиятини қоникарли, деб топди.

Ўз навбатида, туман кенгашининг янги таркиби сайланди. Кенгаш раиси Абдураим Ҳайдавловга яна ишонч билдирилди.

Он-лайн тарзидаги бундай ҳисобот-сайлов конференциялари вилоятнинг қолган туман ва шаҳарларида ҳам ўтказилди.

Анвал АБДИЕВ, «ISHONCH»



Сирдарё вилояти

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаб уюшмаси Сирдарё вилояти ташкилотининг он-лайн тарзидаги конференцияси бўлиб ўтди.

Айни пайтда тизимдаги 587 та бошланғич касаб уюшма ташкилоти 39520 нафар касаб уюшма аъзоларининг манфаатларини ҳимоя қилмоқда.

Ҳисобот даврида бажарилган ишлар сарҳисоб қилинди. Хусусан, жамоа шартномалари асосида касаб уюшма аъзолари ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштиришга 2 020 486 минг сўмлик маблағ ажратилгани, ташкилот ва муассасаларда меҳнатни муҳофаза қи-

лиш йўналишига 3 947 642,5 сўмлик маблағ сарфлангани алоҳида қайд этилди.

Оқолтин туманидаги 3-умумтаълим мактаб бошланғич ташкилоти меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этиш юзасидан ўтказилган анъанавий Республика кўрик-танловиди фахрли II ўринни эгаллаган бўлса, ташкилот касаб уюшмаси раиси Соҳиба Жабборова кўп йиллик намунали фаолияти учун Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерациясининг «Эътиром нишонига» сазовор бўлган.

«Устозлар — касаб уюшмалари эъзозиди» республика танловида Сардоба туманидаги 15-умумтаълим мактаби бошланғич касаб уюшма



ташкилоти раиси Саломат Жўраева Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерациясининг махсус дипломи ва қимматбаҳо совғаси билан тақдирлангани ҳам эътиборга молик. Бундан

ташқари, «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси», «Энг фаол ёш спорт мурабийи», «Энг фаол ёш олим», «Ўз касбининг моҳир эгаси», «Энг намунали бошланғич ташкилот» каби танлов-

лар ушқоқлик билан ўтказилгани эътироф этилиб, келгусида уларнинг янада оммавийлигини таъминлаш лозимлиги ўқтирилди.

Конференцияда тармоқнинг 587 та бошланғич ташкилотидан ўтган даврда амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисоботлар эшитилди.

Яқинда эса тармоқ касаб уюшмаси курултойи ҳамда вилоят касаб уюшма ташкилотлари бирлашмасининг ҳисобот-сайлов конференциясига делегат ҳамда вакиллар номзоди сайланиб, Таълим, фан ва маданият ходимлари касаб уюшмаси Сирдарё вилояти раислар кенгаши таркиби тасдиқланди.

Озода МАМАДАЛИЕВА, «ISHONCH»



Зарур дамда елкадош бўлиб...



Заводда иш бошлаган ёшларда ишлаб чиқариш тажрибаси ортирилди. Ишлаб чиқаришнинг замонавий ечимидан фойдаланиш йўлга қўйилди, янгидан-янги инновацион технологиялар жорий этилди. Натижада халқаро стандартларга мос маҳсулот ишлаб чиқарилиб, айни чоғда у жаҳоннинг 30 тадан зиёд мамлакатига экспорт қилинмоқда.

Жумладан, Қорашина шаҳарчасида «Хотира майдони» ишга туширилди. 40 ўринли нодавлат мактабгача таълим ташкилоти, 5000 китоб фондига эга кутубхона, «Соғломлаштириш маскани», сунъий қопламали футбол майдони, оилавий ётоқхона, «Тикувчилик цехи», «Мажлислар зали» каби янги маскан ва мажмуалар барпо этилди.

Яна бир эътиборли жиҳат шундаки, Яққабоб туманидаги «Бинокор» оромгоҳи завод тасарруфига олинди, «Ёш кимёгар» номи остида янгича қиёфа кирди. Қайта таъмирланиб, тў-

лиқ ишга туширилган бу дам олиш масканида эндиликда деҳқонobodлик ўғил-қизлар ҳордиқ чиқариш, ёзининг иссиғида сўлим табиат қўйнида бўлиш имконига эга.

Завод касаб уюшма кўмитаси ҳар йили «Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни»да тумандаги эҳтиёжманд

ушун шартнома пуллари тўлаб берилди. Заводда ҳар бир ходимнинг муаммолари билан индивидуал тарзда ишлаш йўлга қўйилган. Ўтган йили ходимимиз О.Эшматовнинг ногирон фарзанди завод ёрдамида Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-а-

Рағбат ва юксалиш уйғунлиги

оилалар фарзандларига оромгоҳ йўлланмалари ва кийим-кечаклар тарқатиб келмоқда. Бундан ташқари, 9 нафар чин етим ходим ва эҳтиёжманд оила фарзандининг олий ўқув юрларидаги ўқиши

лашни истардим. Масалан, тикув цехи ишчиси, 2-гуруҳ ногирони М.Рўзиева Тошкент шахрига олиб борилиб, унга махсус протез ўрнатилди ва бу ногирон аёл 23 ёшида қаддини ростлаб юриш бахтига муяссар бўлди. Айниқса, узоқ вақт бефарзанд бўлиб келган уч нафар ходимимиз касаб уюшма кўмитасидан йўлланма олиб, даволангани ва бу оилаларда ҳам фарзанд туғилгани қувончлидир.

Ўз касбига бўлган меҳри ва фидойилиги сабабли завод хотин-қизлар ташкилоти етакчиси С.Салимова ўтган йили «Энг намунали бошланғич хотин-қизлар ташкилоти» танловининг республика босқичида ғолиб бўлди.

Кўмитамизнинг Хотин-қизлар билан ишлаш доимий комиссияси раиси М.Каримова «Йил аёли» кўрик-танловида ғолиб, деб топилди. Икки нафар ходимимиз Халқ депутатлари Деҳқонobod тумани кенгаши депутатлигига сайланди. Яна бир эътиборли янгилик шуки, 12 нафар хотин-қиз ишчи намунали уйли бўлди.



оилалар фарзандларига оромгоҳ йўлланмалари ва кийим-кечаклар тарқатиб келмоқда. Бундан ташқари, 9 нафар чин етим ходим ва эҳтиёжманд оила фарзандининг олий ўқув юрларидаги ўқиши

лашни истардим. Масалан, тикув цехи ишчиси, 2-гуруҳ ногирони М.Рўзиева Тошкент шахрига олиб борилиб, унга махсус протез ўрнатилди ва бу ногирон аёл 23 ёшида қаддини ростлаб юриш бахтига муяссар бўлди. Айниқса, узоқ вақт бефарзанд бўлиб келган уч нафар ходимимиз касаб уюшма кўмитасидан йўлланма олиб, даволангани ва бу оилаларда ҳам фарзанд туғилгани қувончлидир.

Ўз касбига бўлган меҳри ва фидойилиги сабабли завод хотин-қизлар ташкилоти етакчиси С.Салимова ўтган йили «Энг намунали бошланғич хотин-қизлар ташкилоти» танловининг республика босқичида ғолиб бўлди.

Кўмитамизнинг Хотин-қизлар билан ишлаш доимий комиссияси раиси М.Каримова «Йил аёли» кўрик-танловида ғолиб, деб топилди. Икки нафар ходимимиз Халқ депутатлари Деҳқонobod тумани кенгаши депутатлигига сайланди. Яна бир эътиборли янгилик шуки, 12 нафар хотин-қиз ишчи намунали уйли бўлди.

Озода МАМАДАЛИЕВА, «ISHONCH»



Яққабоб туманидаги «Бинокор» оромгоҳи завод тасарруфига олинди. «Ёш кимёгар» номи остида янгича қиёфа кирди. Қайта таъмирланиб, тўлиқ ишга туширилган бу дам олиш масканида эндиликда деҳқонobodлик ўғил-қизлар ҳордиқ чиқариш, ёзининг иссиғида сўлим табиат қўйнида бўлиш имконига эга.

соҳиблари мароқли дам олиб, соғлигини тиклади. 4 нафар ходим Россиянинг Кисловодск ва Ялта шаҳарларидаги санаторийда ҳордиқ чиқарди.

Бундан ташқари, касаб уюшма кўмитаси ташаббуси билан анъанавий спорт мусобақалари, кўрик-танловлар, турли қизиқарли маданий-маърифий тадбирлар, тарихий шаҳарларга саёҳатлар уюштирилди.

Бундай чора-тадбирлар завод тараққиётига ва ходимларнинг фаровон ҳаётига хизмат қилмоқда.

Норсаид КЎЧКИНОВ, Деҳқонobod қалий заводи касаб уюшма кўмитаси раиси

«1»
Афсуски, узок йиллар хотин-қизларнинг кадр-қиммати жойига қўйолмадик, уларнинг жамиятдаги ўрнини ҳис этмадик. Мамлакатимизда, айниқса, қишлоқ жойларда яшаётган аксар аёлларимиз ўз муаммо ва ташвишлари билан елғиз қолганини, ҳаётнинг моддий ва маънавий қийинчиликлари остида эзилиб кетганини билиб билмасликка, кўриб кўрмасликка олдик. Яширишнинг ҳолати йўқ, мамлакатимизда ишсиз, доимий даромадга эга бўлмаган хотин-қизларнинг дардини эшитиш учун шу чоққача ҳеч ким уларнинг эшигини тақиллатиб келган эмас.

Давлатимиз раҳбарининг ана шу воқеликка теран назар солиб: «Шундай оилалар борки, уйда ўтиришга гилами йўқ, дори-дармон олишга пули йўқ, йиғлашга кўзида ёши йўқ. Бундай шароитда яшаётган аёлларнинг аҳволини ким тасаввур этади? Биз бу йил хотин-қизлар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни янги босқичга кўтарамиз», деган ташаббуси бу борадаги барча стереотиплар, қарашлар, ёндашувларга кескин ўзгаришни киритди.

Айнан Президентимизнинг топшириги билан ташкил этилган Хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш бўйича республика ишчи гуруҳи фаолияти орқали хотин-қизларимизнинг кўпгина муаммолари ўз ечимини топмоқда.

Мазкур ишчи гуруҳ ўз фаолиятини илгариги турли ўшаш гуруҳлар, комиссиялар, мониторинг, кузатув, назорат жамоаларининг тартиб-тамоилларидан фарқли равишда бевосита ҳаёт реалликларидан келиб чиқиб иш туттишга қаратди.



АЁЛ БАХТИ ЖАМИЯТНИНГ БАХТИДИР

БОША МАСАЛА – ИШСИЗЛИК!

Биз ўзимиз учун биринчи масала сифатида жойларда хотин-қизларнинг ижтимоий муаммоларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш борасида ижро механизминини ишлаб чиқишни белгилаб олдик.

Ишчи гуруҳ аъзолари етти ой давомида Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳридаги ҳар бир маҳаллада уйма-уй юриб, муаммоларни аниқлади. Дастлаб ҳар бир ҳудуддан битта туман намуна сифатида олиниб, хотин-қизлар билан ишлаш йўналишида аниқ манзилли ва мудири чора-тадбирлар белгилаб олинди ҳамда бу таъриба ҳар бир туман ва маҳалла кесимида амалга оширилди.

Қийин аҳволга тушиб қолган хотин-қизлар билан юзма-юз мулоқотлар чоғида уларнинг 200 мингдан ортиқ муаммоси рўйхатга олинди.

Ўрганишлар якуни бўйича барча вилоятларнинг туман ва шаҳарлари кесимида 7 йўналишдаги чора-тадбирлар дастурлари ишлаб чиқилди, сектор раҳбарлари томонидан имзоланиш ҳамда вилоят ҳокими, Олий Мажлис Сенати ва Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси раислари томонидан тасдиқланди ва ижрога йўналтирилди.

Таҳлиллар, энг аввало, оиланинг моддий аҳволи кўп нарсани белгилашини кўрсатмоқда. Дарҳақиқат, бош масала — ишсизлик! Ишчи гуруҳ жойларда аёлларнинг иш билан таъминланиш даражаси ва бу кўрсаткичларни яхшилаш истиқболларини таҳлил қилди. Нафсиламбрини айтганда, менга иш беринг, мен тадбиркорлик қила оламан, менинг хунарим бор, озгина оёққа туришимга кўмак керак, дейдиган хотин-қизларга таъзим қилиш керак. Негаки, улар жамиятдан кўр-кўрона таъма қилмапти, улар бутун оғирлигини давлат зиммасига ортиб қўймоқчи ҳам эмас, қолаверса, жамият боқимандалиқдан халос бўла бошлаганининг далили ҳам шу. Шу маънода, ҳар бир ҳудудда бўш турган, ишлаб кетишига банк кредити, ҳокимлик мадади, бошқа яна қайсидир маъмурий тузилманинг бир имдоди етмай турган кўплаб ишлаб чиқариш нуқталари чуқур ўрганилди. Биласизми, баъзида маҳаллий ҳокимликларнинг бир обиз сўзига маҳтал бўлиб иш бошлай олмай юрганларни кўриб ачиниб кетасан киши.

Тасаввур қилинг, буларнинг барчаси дунёда кечаётган пандемия даврида, қудратли давлатларда ҳам иқтисодий танглик бўй кўрсатаётган бир пайтда амалга оширилмоқда. Бу эса давлатимиз раҳбарининг аҳолининг ёрдамга муҳтож қатлами ҳаётини яхшилашга қаратаётган эътибори, юрт отаси сифатидаги масъулиятининг яққол ифодасидир.

Ишчи гуруҳ айни мана шундай объектиларни ишга тушириш борасида ижтимоий ҳамкорликни кучайтириш йўлини тутди. Мана, натижалар...

Анджон вилоятининг Марҳамат туманида «Қасаба ҳамкор» тўқимачилик корхонасининг бизнес лойиҳасини амалга ошириш натижасида ҳар бир сменада 300 нафардан, жами 2 сменада 600 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланди. Мазкур мақсадлар учун 1 миллиард сўм маблағ йўналтирилди.

Фарғона вилоятининг Тошлоқ туманидаги «Юқориқишлоқ» маҳалласида Хотин-қизларнинг ишлаб чиқариш кооперацияси ташкил этилди. Бунинг учун 1 та трактор ажратилди, қудуқ, замонавий дала шийони қуриб берилди. Натижада 40 нафар аёлнинг бандлиги таъминланди. Ушбу ишлар учун 700 миллион сўм сарфланди.

Қорақалпоғистон Республикасининг Бўзатов туманида «Доха нон» чеки, Шуманай туманида «Шома-най Шаменай» ва «Ишбилармон хотин-қиз» масъулияти чекланган жамиятлари ташкил этилди. Натижада 55 нафар хотин-қиз доимий иш билан таъминланди. Шунингдек, Мўйнок туманида замонавий иссиқхона қурилиб, 110 та оиланинг уй шароитида бандлиги таъминланди. Ушбу мақсадлар учун 1 миллиард 400 миллион сўм маблағ йўналтирилди.

Навоий вилояти Навбахор тумани «Кўхрон» маҳалласида «Имаха қасаба гранд АРТ» чинни буюмлар чеки бизнес лойиҳаси орқали ижтимоий ёрдамга муҳтож 100 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланди. Мазкур бизнес лойиҳага 1 миллиард сўм маблағ сарфланди. Сурхондарё вилоятининг Олтинсой туманида «Зиф текстиль» корхонасига 100 та ишлаб чиқариш дастгоҳи олиб берилди ва 300 та янги иш ўрни яратилди. Мазкур мақсадлар учун 1 миллиард 500 миллион сўм сарф этилди.

Эътиборли жиҳати, юқоридagi мақсадлар учун йўналтирилган маблағлар тадбиркорлар томонидан қарз сифатида олинди, яъни муайян вақт ўтгач, даромадлар эвазига бу маблағлар қайтарилади.

РЕАЛ ЁРДАМЛАР...

Юқоридagi ўрганишлар, қолаверса, ҳокимликлар билан олиб борилган ҳамкорлик натижасида бугунги кунгача 117

минг 306 нафар аёлнинг бандлиги таъминланди. Шунда 94 минг 150 нафари бандлик дастурлари, 17 минг 628 нафари банк кредитлари, 5 минг 528 нафари Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси лойиҳалари асосида ишли бўлди.

Ишчи гуруҳ ҳисоб-китобларига кўра, 2020 йил охирига қадар республикамиз бўйича жами 149 минг нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланди.

Бевосита Президентимиз топшириғига кўра, ушбу йўналишдаги ишларни кучайтириш мақсадлари учун йўналтирилган маблағлар ҳисобидан: оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган, ночор, ўта муҳтож 74 нафар аёлнинг уй-жойи учун бошланғич тўлови қопланиб берилди;

яшаш шароити оғир, уй-жойи таъмирталаб, авария ҳолатидаги 446 нафар хотин-қизнинг уй-жойлари таъмирланди; ижтимоий аҳоли оғир ва саломатлигини йўқотган, ногирон, муҳтож оилалардаги 3 минг 235 нафар хотин-қизга моддий ёрдам кўрсатилди.

Натижада республика бўйича эҳтиёжманд оилалардаги хотин-қизларнинг жами 3 минг 755 нафарига 15 миллиард 342 миллион сўмлик манзилли моддий ёрдам кўрсатилди.

Тасаввур қилинг, буларнинг барчаси дунёда кечаётган пандемия даврида қудратли давлатларда ҳам иқтисодий танглик бўй кўрсатаётган бир пайтда амалга оширилмоқда. Бу эса давлатимиз раҳбарининг аҳолининг ёрдамга муҳтож қатлами ҳаётини яхшилашга қаратаётган эътибори, юрт отаси сифатидаги масъулиятининг яққол ифодасидир.

Ҳар бир дастур ва уларнинг ижро механизми ҳар бир ҳудуднинг имкониятидан келиб чиққан ҳолда тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилди.

ИЖРО МЕХАНИЗМИ БОРМИ?

Албатта, ишчи гуруҳ республика ҳудудларида биринчи дара ўрганишларни якунлади ва бу мамлакатдаги хотин-қизлар муаммолари бирваракайга ечим топди, дегани эмас.

Очингани айтиш керакки, ишчи гуруҳ Сирдарё вилоятида бошлаган иш тартибиде асосий бўйин сифатида ижро механизмининг ҳам йўлга қўйишни назарда тутган эди. Биз яқин йиллар таърибларидан қабул қилинган кўплаб дастурларнинг аксарияти назоратсиз, фақат қоғозлардагина қолиб кетганини ҳам яхши биламиз. Шу нуқтаи назардан қабул қилинган ҳар бир ҳудудий дастурни туманининг тўрт сектори раҳбари, вилоят раҳбари, ишчи гуруҳ раҳбари ва Олий Мажлис Сенати раиси томонидан тасдиқлатди. Бу эса ўрганиб, чора кўриш учун белгилаб олинган ҳар бир масаланинг ўз эгаси борлиги ва масаланинг ечими тегишли назоратда ушлаб турилишини таъминлайди. Шундан келиб чиқиб, ишчи гуруҳнинг тезкор гуруҳлари ижро мuddати келган ҳар бир

масаланинг ҳал этилишини ўрганиб бориши ҳам йўлга қўйилди.

Республика ишчи гуруҳи дастурлар ижроси бўйича ҳар ойлик маълумотларни таҳлил қилмоқда ва улар бўйича юқори идораларга ахборот ҳам киритиб бормоқда. Жамоатчилик назорати шакли сифатида ушбу масалалар ижроси жойларда маҳаллий кенгашлар сессиялари кун тартибига киритилиб борилиши ҳам йўлга қўйилди. Уйлаймизки, бу маҳаллий депутатлар масъулияти ва ватанпарварлигини намоян қилиши учун алоҳида имконият бўлади.

Шунингдек, бир қатор ҳудудларда масалалар ечими ҳокимлик соатларида кўриб борилаётгани ҳам таҳсинга лойиқ.

«ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ» ИШОНЧ ҚОЗОНМОҚДА!

Хотин-қизлар муаммолари билан тизимли шуғулланиш масаласи қасаба уюшмалари Федерацияси зиммасига юкланиши баробарида Президентимиз топшириғи Қасаба уюшмалари Федерацияси қошида хотин-қизларнинг муаммолари бўйича тун-кун ишлайдиган «1211» қисқа рақамли «Ишонч телефони» ташкил этилди ва юртимиздаги хотин-қизлар муаммоларини аниқлаш ва уларни тизимли ҳал этишининг янги механизмига айланди. «Ишонч телефони»га шу кунга қадар 34 220 та мурожаат келиб тушди.

Жами мурожаатларнинг 11 418 таси, яъни 33,4 фоизи вазирилк ва идораларга, 22 802 таси, яъни 66,6 фоизи ҳудудий ҳокимликлар ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилари Кенгашига юборилган.

Ушбу мурожаатларнинг 11 257 таси ижтимоий масалаларни (32,9 фоиз) 6 636 таси уй-жой (19,4 фоиз), 3 700 таси карантин муносабати билан ёрдам кўрсатиш (10,8 фоиз), 3 307 таси бандлик (9,4 фоиз), 1 616 таси алимент ундириш (4,7 фоиз), 1 587 таси ҳуқуқий масалалар (4,6 фоиз), 1 451 таси оилавий муносабатлар (4,2 фоиз)га тегишли. Қолган мурожаатлар кредит, тадбиркорлик, коммунал хизмат, ер ажратиш ва бошқа йўналишларга тааллуқлидир.

Шуниси эътиборга молики, бугунги пандемия шароитида давлат у ёки бу тизим орқали ўз аҳолиси, айниқса, хотин-қизларнинг шикоят ва арзлари, му-

аммоларини эътибордан четда қолдираётгани йўқ. Эътиборли жиҳати, ушбу тармоққа туну кун мурожаатлар тинмайди. Улар орасида бугунги карантин шароитида оғир аҳволда қолганларнинг оддий маиший масалалари ҳам учрайди ва, табиийки, уларнинг бирортаси эътиборсиз қолаётгани йўқ.

Вилоятлар кесимида таҳлил қиладиган бўлсак, Тошкент шаҳри (5 064 та, 14,8 фоиз), Самарқанд (4 046 та, 11,8 фоиз), Қашқадарё (3 757 та, 11 фоиз) ва Тошкент (3 192 та, 9,3 фоиз) вилоятларидан мурожаатлар нисбатан кўпроқ келиб тушмоқда.

Ҳозиргача мурожаатларнинг қарийб 71 фоизи ҳал этилди, 29 фоизга яқини назоратга олинди. Мазкур тизим мамлакатнинг олис қишлоқларидаги хотин-қизлар учун ҳам қўлай эканини инобатга олиб, уни кенроқ тарғиб қилиш мақсада мувофиқ деб топилди ва Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг «Ўзбекистон-24» телеканали орқали «Аёл рози бўлса...» кўрсатуви ташкил этилди. Унда «Ишонч телефони»га келиб тушаётган мурожаатларни ҳал этиш билан боғлиқ ишлар, хусусан, намунали ҳудудлар билан бирга масала панжа орасидан қараётган раҳбарлар фаолияти таҳлил қилинмоқда.

Мисол учун, Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Хаджибаев) аҳоли мурожаатларининг 48 фоизи, «Худудгазтаъминот» АЖ (Б.Шмуротов) 12 фоизи, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Хусанов) 12 фоизи, Хоразм вилояти ҳокимлиги (Ф.Эрманов) 16 фоизи, Тошкент вилояти ҳокимлиги (Р.Холматов) 16 фоизини ўз вақтида ҳал этмагани бизни ташвишга солади. Бу борада изчил назорат йўлга қўйилмоқда.

Мухтасар айтганда, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг: «Ҳар биримиз ўз иш услубимизни ўзгартириб, оддий одамларнинг имконияти ва кўникмаларини инобатга олиб, амалий лойиҳаларни амалга оширсакки, тезроқ натижа бўлиши, қишлоқда, маҳаллада ўзгариш бўлса, иқтисодийнинг ҳам ривожланишига муносиб ҳисса қўшган бўламиз, халқимизнинг бизга бўлган ишончи ортади», деган гаплари бугун ҳар бир раҳбарнинг дастуруламалига айланган.

Ишчи гуруҳ мамлакатни бир марта тўлиқ ўрганиб чиқди, биз иккинчи дарага тайёргарлик кўрмоқдамиз. Энди режалаштирилган ишларнинг ижроси изчил таҳлил қилинади, хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш давом эттирилади. Бизнинг олдимизга мамлакатимизнинг заҳматкаш аёллари, мўътабар оналаримиз, мунис опа-сингилларимизни рози қилишдек шарафли вазифа қўйилди. Бу вазифа биз учун катта ишонч ва масъулиятдир. Биз учун юрт қорига ярашдан буюкроқ саодат йўқдир!

Манба: «Янги Ўзбекистон» газетаси



Диққат, танлов!

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Федерациянинг янги кўринишдаги рамзлари: тимсоли (эмблемаси) ва байроғини яратиш бўйича танлов эълон қилади

Танловда Ўзбекистон Республикасининг 16 ёшдан кичик бўлмаган барча фуқаролари иштирок этиши мумкин.

Танловга тақдим этиладиган рамзлар тасвири ва тавсифи:

– касаба уюшмалари фаолиятининг қонунийлик, ихтиёрлик, тенг ҳуқуқлик, очкичлик ва ошқоралик каби асосий принциплари;

– касаба уюшмалари ҳаракати касаба уюшмалари аъзоларининг бирдамлигига асосланганлиги ҳамда Федерациянинг «Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!» шioriдаги асосий ғоя;

– касаба уюшмаларининг меҳнат соҳасидаги ижтимоий шерикликда иштирок этиши ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш борасидаги ваколатлари;

– Федерациянинг асосий мақсади – аъзо ташкилотларнинг устав вазифаларини бажаришдаги саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш, уларнинг умумий манфаатларини ифода этиш ва ҳимоя қилиш, ҳуқуқий кафолатларини таъминлаш экани акс эттирилиши лозим.

Шунингдек, Федерациянинг янги кўринишдаги рамзлари содда ва осон тушуниладиган, эсда қоламли, тўртдан ортиқ рангга эга бўлмаган ҳолда, қора ва оқ рангга яхши қабул қилинадиган, келгусида Федерациянинг турли атрибутлари (босма маҳсулотлар, эсдалик совғалари, нишонлар ва ҳ.к.) да акс эттириш ва фойдаланиш учун қулай бўлиши лозим.

Танловга тақдим этиладиган ишлар мўйқаламда чизилган (A3 форматли қоғозда) ёки компьютер графикасида (bmp, gif, jpeg, cdr форматларида) тайёрланган бўлиши мумкин.

Федерациянинг янги кўринишдаги рамзлари Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзларига ўхшаш бўлмаслиги шарт.

Танловга тақдим этиладиган ишлар tanlov@kasaba.uz, admin@kasaba.uz электрон манзиллари орқали 2020 йилнинг 20 сентябргача қабул қилинади.

Танловга қўйидагилар электрон кўринишда тақдим этилади:

- Рамзларнинг рангли тасвири;
- Рамзларнинг тавсифи (тавсифда рамз нимани акс эттиргани баён қилинади, тавсиф аниқ ва лўнда бўлиши лозим);
- паспорт нусخаси;
- иштирокчининг исми-шарифи, иш (ўқиш) жойи, телефон рақами, яшаш манзили.

Танловга тақдим этилган ишлар Комиссия томонидан икки босқичда кўриб чиқилади:

биринчи босқичда танловга тақдим этилган барча ишлар кўриб чиқилиб, танлов шартларига тўлиқ жавоб берадиган 4 та рамз тасвири ва тавсифи аниқланади;

иккинчи босқичда эса ажратиб олинган рамз тасвири ва тавсифлари Комиссия томонидан сараланиб, энг яхши иш муаллифи голиб деб топилди.

Танлов голиби Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг Фахрий ёрлиги ва республикада белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 20 (ийгирми) баробари миқдориди пул мукофоти билан тақдирланади.

Шунингдек, танлов совриндорларига 3 та рафбатланувчи мукофот топширилади.

БОҒ ДАН ТУРИБ БЕРИЛГАН САВОЛЛАРГА ЖАВОБ БЕРАСИЗМИ?

«Ishonch» газетасининг шу йил 30 майдаги 54-55 сонида Халқ таълими вазири Ш.Шерматовга «Айтсам тилим куюди, айтмасам...» деб номлаган очик хатимиз эълон қилинган эди. 25 июнь куни ушбу очик хатга вазирлик ҳузуридаги Республика таълим маркази директори Ш.Сатторов имзоси билан жавоб хати йўлланбди. Аввало, мутасаддиларга мурожаатимизни қўлдиришга ушбу ўз миннатдорлигимизни билдираемиз. Жавоблар билан танишиш асносида айрим мулоҳазалар ҳам туғилдики, улар ҳақида айтмасак бўлмас.

Биринчидан, очик хат шахсан Халқ таълими вазирига ёзилган бўлса-да, расмий жавоб хати негадир бошқа бир масъул шахсининг имзоси билан чиқарилган. Вазирларнинг вақти ниҳоятда тизим, иши ҳаддан зиёд кўп бўлишини яхши билган ва тушунган ҳолда республиканинг нуфузли оммавий ахборот воситаси орқали эълон қилинган очик хат ҳодимлар томонидан тайёрланса-да, шахсан мурожаат этилувчининг ўзи имзо қўйиши ва берилётган жавоблар билан чиқиши, бизнингча, хизмат этикасига мувофиқ бўларди.

Иккинчидан, жавоб хати шунчалик ҳафсаласизлик билан ёзилганки, ҳатто, унда очик хат эълон қилинган сана ҳам 2020 йил 10 июнь, газетанинг сони эса 58-сон деб нотўғри кўрсатилган.


Учинчидан, мақола тарзидagi мурожаатларимизни шу пайтгача вазир безътибор қолдиришига ёки кечикиб жавоб қайтаришига ўрганиб қолганми. Азбаройи, очик хат бўлгани учун берилишига мажбур бўлинган жавоблардаги мантисизлик ҳам кишини таажубга солади.

Тўғрики, очик хатга бунчалик лоқайдлик ва беписандлик билан жавоб ёзилади, деб ўйламагандик. Хусусан, ҳозирги кунда таълим сифати ва самарадорлиги, дарсликлар мазмуни ҳақида билдирилган мулоҳазаларга Халқ таълими вазиридан тарафидан «Умумий ўрта таълимнинг Миллий ўқув дастури» ишлаб чиқилаётгани, дастурнинг мақсад ва вазифалари, мазмун-мундарижаси тўғрисида сўз юритилиб, уни жорий этиш таълим сифатини янги босқичга кўтариши жавоб сифатида қайд этилибди.

Бизнингча, бундай тахмин қилиш ҳали анча эрталигини «Миллий ўқув дастури» билан танишиб чиққан мутахассис дарҳол аниқлайди. Ўқув дастурининг кириш қисмида қилинган шаклий ўзгаришларни ҳамда «Адабиёт»дан деярли ҳар бир синфда ҳадислардан намуналар киритилганини ҳисобга олмас, миллий дастур амалдигисидан деярли фарқ қилмайди. «Адабиёт» фани ўқув дастурига ҳадисларни киритишдан аввал янги жорий этилган «Тарбия» фанининг мазмун-мундарижаси билан қиёсий ўрганиш зарур эди. Ҳадисларнинг тарбиявий аҳамияти катта бўлса-да, уларни сўз санъати намунаси сифатида адабиёт дарсликларига киритилиши қанчалик тўғри бўлишини аввал мутахассислар билан маслаҳатлашиш лозим.

Очик хатдаги ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар лойиҳалари муокамаси порталига жойлаштирилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ таълими ҳодимларини узлуксиз касбий ривожлантириш тизими тўғрисида»ги қарори лойиҳаси ҳақидаги жиҳдий эътирозлар деярли жавобсиз қолдирилган. Ментор лавозимини жорий этиш бўйича билдирилган эътирозларга берилган жавобни ўзгаришсиз эътиборингизга ҳавола этишни лозим топдик:

«Ментор сўзи методист сўзининг синоними ҳисобланади»



нади ва унинг вазифаси методистнинг вазифасидан кенгроқ. Бугунги кунда методист маълум бир фанни ўқитиш методикаси бўйича мутахассис ҳисобланади. Ментор – бу ишнинг самарали усулларини билладиган, ўқитувчинга мустақил ўрганишга йўналтира оладиган, фанни ўқитишни ривожлантиришга, таълим мазмунини яхшилашга жалб қилладиган мутахассис».

Ментор сўзи методист сўзининг синоними бўлса, уни ўзгариштириш не наф? «Ментор» мазмунан «методист» сўзи билан деярли бир хил маънони ифодалар экан-у, вазифасига келганда эса кенгайиб қоларканми?

Агар масала жавобдаги тарзда тушуниладиган бўлса, шу пайтга қадар методист сифатида фаолият юритган ҳодимларнинг меҳнатини ерга урган бўламиз. Чунки халқ таълими тизимида методистлар ўз соҳалари бўйича менторга нисбат берилётган барча ишларни, ҳатто, ундан кўра кўпроғини бажариб келишган.

Муқобил дарсликлар ва уларни яратиш механизми шу ҳолатда яроқсиз экани ҳақидаги танқидларга берилган жавоб ҳаммасидан таажуботиланарли. Саволларимизга жавоб топшиш учун ҳурматли мутасаддилар Вазирлар Маҳкамасининг «Умумтаълим мактаблари учун муқобил дарсликларни яратиш ва улардан фойдаланиш тизимига босқичма-босқич ўтиш механизмининг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 5 апрелдаги 281-сон қарори билан тасдиқланган «Муқобил дарсликларни яратиш ва улардан фойдаланиш тизими тўғрисида»ги Низом билан яхшилаб танишиб чиқишни тавсия қилишбди. Кошки, ҳурматлилар шу Низом ва муқобил дарсликларни яратиш муаллифлар гуруҳи учун ишлаб чиқилган йўриқнома билан танишиб чиққанмииз учун ҳам бизда очик хатда қайд этилган мулоҳазалар пайдо бўлган ва эътирозлар уйғонганини тушунса! Тавсияга амал қилиб Низом билан қай-

та-қайта танишиб чиқсак, мазмун ўзгариб қолармикан ёки жавоби йўқ саволларга жўяли жавоб топилб қолармикан?

Она тили фани учун ажратилган соатларнинг қисқартирилиши бўйича келтирилган важлар ҳам қумдан қурилган кальдек омонат. Жавобда қайд этилишича, Бош давлат санитария шифокори томонидан 2018 йил 27 апрелда «Умумий ўрта таълим мактабларида таълим олиш шартини ва ташкил этилишига қўйилган санитария-эпидемиологик талабларга ўзгартириш киритилиб, 0341-16 (1)-сонли Санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари тасдиқланбди. Жуда соз, биз ҳам ўқувчиларнинг ҳафталик юкнамалари меъёрдан ортиб кетишига қаршимиз. Лекин ўша ҳужжатда ортиқча юклама фақат она тили ва адабиёт фанларини қисқартириш ҳисобидан амалга оширилсин, деган қоида белгила берилмаган бўлса керак! Она тили ва адабиёт фанларини қисқартириш масаласида ҳозирги кунда урфга кирган усулдан умумий фойдаланилган: хоржий мамлакатлар таърибасидан мисол келтирилган. Айрим ўз фикри ва аргументларини асослай олмайдиганлар учун хоржий мамлакатлар таърибасини рўқча қилиш вазиятдан чиқишини қулай усулига айланган бўлса-да, таълимда кўр-кўрона кўчириш, хоржий таърибга экан деб эргашиб кетавериш ўзини оқламаслигини яна бир бор таъкидламоқчимиз. Она тили соатларини ўқитишда ҳар бир давлат ўз миллий тилининг хусусиятларини, мураккаблик даражасини ҳисобга олиши, бу борада ислоҳот қилишни олдин таърибасинодан ўтказиши керак.

Халқ таълими вазири чиқишларидан бирида бунга қуйидаги изоҳни ҳам берди:

«Хамма мактабда ўқиган. Бизда грамматика масалалари жуда кўп ва она тилини ўқитиш қийин. Қўриб турганимиздек, бунинг натижасида хамма томон саводсизлик бўлиб кетди. Бизнинг мақбул»

очик хатга Халқ таълими вазирилик томонидан берилган жавоблар хусусида

миз сонга эмас, сифатга эътибор қаратиш. Бутун дунёда ҳам тенденция бор. Инглиз тилини ҳам қаранг, Шекспир давридаги инглизча шеърларни ҳозир ўқиб тушунмайси. Улар ҳам ҳозир инглиз тилини соддароқ қилиб ишлатиш йўналишидан кетмоқда. Биз ҳам секин-секин она тилини содда ва раво ишлатишга ўтишимиз керак. Бунда грамматикадан кўра амалий кўникмаларга, яъни гапириш, эшитиш ва ёзишга кўпроқ эътибор беришимиз керак. Кейинчалик эса кириш имтиҳонларида ҳам шу кўникмалар асосида имтиҳон олиш даражасига чиқишимиз керак».

«Бизда грамматика масалалари жуда кўп»лиги, «хамма томон саводсизлик бўлиб» кетгани она тили ва адабиёт фани соатларини қисқартириш учун асос ҳам, ечим ҳам эмас. Билимсизлик ва саводсизликни муаммосини айнан она тили фанининг қисқартириш орқали ҳал этишга уринишининг ўзи мантисизлик эмасми? Ёки вазир жанобларининг она тилини содда ва раво ишлатиш тўғрисидаги эътирозларини бемисл қудрат деб таъриф этилган тилини камбағаллаштириш, унинг беҳис тасвир кучини аста-секин ўлдириш, фақат оддий мулоқот воситасига айлантириш деб тушуниш керами? Вазиримизнинг жавоблари ва жавоб хатидаги қуйидаги жумлалар мутасаддиларнинг она тили бўйича биллимининг ошириш кераклигини кўрсатади:

«Ўқув дастурларини чуқур таҳлил қилиш натижасида муомалада ишлатилмайдиган қоидалар, мураккаб грамматикага оид, олий маълумотли филолог мутахассисини тайёрлашга йўналтирилган мавзулар ўқув дастурларидан қисқартирилди».

Тушунишимизча, ушбу ўринда хат муаллифлари нутқ жараёнида ва ўқувчининг кундалик фаолияти учун зарур бўлмаган қоидалар, грамматикага оид мураккаб, шунингдек олий маълумотли филолог мутахассисларни тайёрлаш учун мўлжалланган илмий мавзулар она тили фани ўқув дастуридан чиқарилиб, демоқчи бўлишган. Лекин грамматик ва услубий жиҳатдан нотўғри шакллантирилган жумла фикр сакталигини вужудга келтирган. Очик хатимизда кўтарилган бошқа масалалар эса жавобсиз қолдирилган.

Хулоса қилиб айтганда, мурожаатчи сифатида Халқ таълими вазириликнинг жавобидан қониқсиз ҳосил қилмадик. Мазкур қоралама яна жавоб олиш мақсадида ёзилмаётганини қайд этган ҳолда, кенг жамоатчиликдан таълим тизимидagi муаммоларга бефарқ бўлмасликни сўраймиз. Зеро, эртанги кунимиз, келажакимиз таълим тизими қай даражада йўл қўйилгани, унинг мазмуни ва сифати га боғлиқ.

Шаҳноза ЭРГАШЕВА, филология фанлари номзоди

Эълонлар

2016 йилда 2-Тошкент юридик коллежи томонидан «Ижтимоий муҳофаза қилиш ҳуқуқшунос» йўналиши бўйича Тимур Сирожидинович Левченко номига берилган КМФ4458108 рақамли диплом йўқолгани маълум қилинади.

Қашқадарё вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси жамоаси бирлашма раиси Эсонбой Ражабовга опаси **Кундуз аянтинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари тахририяти жамоаси газеталарнинг Наманган вилояти бўйича мухбири Орузгул Рустамовга отаси **Бурхон Рустамовнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия ихзор этади.

Хоразм вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси жамоаси бирлашманинг ташкилий ишлар бўлими етакчи мутахассиси Иzzатхон Юсуповга волида мухтарамаси **Меҳрибон Юсуповнинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

МУАССИС: O'zbekiston Kasaba Uyushmalari Federatsiyasi
ISSN 2010-8892
2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-сондан билан рўйхатга олинган.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари тахрир хайъати:

- Қудратилла РАФИҚОВ (тахрир хайъати раиси), Улугбек ЖАЛМЕНОВ, Анвар АБДУМУХТОРОВ, Сайфулло АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Равшан БЕДИЛОВ, Қутлимурот СОБИРОВ, Сухроб РАФИҚОВ, Шокосим ШОИСЛОМОВ, Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ, Нодира КАРИМОВА, Анвар ҚУЛМУРОВО, (Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Темур МАМАЖОНОВ, (Бош муҳаррир ўринбосари – «Ishonch-Доверие» бўйича), Меҳридин ШУКУРОВ, (Масъуль котиб – «Ishonch»), Валентина МАРЦЕНЯК, (Масъуль котиб – «Ishonch-Доверие»)

Бош муҳаррир Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар: Касаба уюшмалари хайъти – (71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва ҳалқаро хайъ – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий кадрлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz
сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги аниқликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

- Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23
Бухоро вилояти – (+998-99) 889-90-31
Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34
Наманган вилояти – (+998-99) 889-90-02
Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28
Тошкент вилояти – (+998-99) 889-90-44
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-90-55
Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32
Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24
Хоразм вилояти – (+998-99) 889-90-01
Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуктадан назардан фарқланishi мумкин.

Навбатчи муҳаррир: Х. Норбоев

Саҳифачи: А. Абдужалилов

Босишга топшириш вақти – 21:40
Топширилди – 22:30

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Ўртача Г – 817. 27831 нусxada босилди. Нашр кўрсаткичи: 133

Баҳоси келишилган нархда

Манзилимиз: 100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй. E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида шериди ва саҳифаланди.

«Sharq» шериди-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Тахририят ҳисобрақами: 2021 0000 0004 3052 7001, АТИБ «Ishonch bank» Яншибод филиали, банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130

«KOCNMAС MULK FINANS INVEST» масъулияти чекланган жамияти мулкнинг бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади

Савдоларга «Узсанотқурилишбанк» АТБ Мировод тумани филиалининг бюртматасига асосан банк ҳисобидagi қуйидаги кўчмас мулклар алоҳида ЛОТ тартибида тақдоран чиқарилимоқда.

1-лот. Тошкент шаҳри, Мировод тумани, Нукус кўчаси, 91/1-уй, Блок-А манзилида жойлашган, умумий майдони 1138,0 кв.метр, қурилиш майдони 1056,0 кв.метр, фойдалани майдони 1737,36 кв.метрдан иборат бўлган 9 қаватли ва ертўлали бинонинг 1- ва 2-қават қисмида жойлашган Ижтимоий, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш биноси.

Босланғич баҳоси – 27 689 669 176 (Йигирма етти миллиард олти юз саксон тўққиз миллион олти юз олти тўққиз минг бир юз етти миң олти) сўм.

2-лот. Тошкент шаҳри, Мировод тумани, Кичик ҳалқа автомобиль йўли кўчаси, 2/1-уй, 5-хонадон манзилида жойлашган умумий майдони 193,69 кв.метр, яшаш майдони 128,33 кв.метрдан иборат бўлган 5 қаватли уйнинг, 5-қаватидаги турар-жой биноси.

Босланғич баҳоси – 1 584 334 767 (Бир миллиард беш юз саксон тўрт миллион уч юз ўттиз тўрт миң етти юз олти миң етти) сўм.

Очик аукцион савдолари 2020 йил 25 август куни соат 11:00да ташкил қилинади.

Талабгорлар диққатига!
Аукцион савдоси 2020 йил 25 август куни бўлиб ўтмаган тақдирда тақдорий аукцион савдоси 2020 йил 29 декабр кунига қадар ҳар ҳафтанинг сешанба кунлари соат 12:00дан бошлаб бўлиб ўтади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун бюртманомалар «Аукцион ташкилотчиси» томонидан расмий иш кунлари (байрам ва дам олиш кунларидан ташқари) савдо кундан бир кун олдин бўлган муддатга қадар соат 10:00дан 16:00гача қабул қилинади. (13:00дан 14:00гача тушлик).

Аукцион савдоларида иштирок этиш истигаида бўлган талабгорлардан: «Аукцион ташкилотчиси» билан тузилган зақалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизи миқдордаги зақалат пулини тўлашлари; – жисмоний шахслардан паспорт ва СТИР нусхаси; – юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устави нус-

хаси, раҳбарнинг паспорт нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вақил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Аукцион савдоси голибига 30 кун иш куни муддат ичида олди-сотида шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулк учун тўловларни тўлаш муддати олди-сотида шартномаси тузилганда белгиланади.

Зақалат тўлови учун реквизитлар: «KOCNMAС MULK FINANS INVEST» МЧЖ, ҳ/р: 20208000900759233001, АТБ «Қишлоқ қурилиш банк»нинг Тошкент шаҳар минтақавий филиали, МФО: 00452, СТИР: 304815549.

Аукцион савдосига қўйилган мулк билан банк ҳодими ёки аукцион ташкилотчиси ҳодими иштирокида жойига чиқиб танишиш мумкин.

Бюртманомаларни қабул қилиш ёки қўйишга маълумотлар учун манзил: Тошкент вилояти, Қўрай тумани, Геофизика кўрғони. Тел: (99) 862-16-71. E-mail: kmfauktion@mail.ru. Лицензия № RR-0297